

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КОМИЛОВ ЖАҲОНГИР ДАВЛАТОВИЧ**

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ ЭТИОЛОГИЯЛИ СПОНТАН**  
**БАКТЕРИАЛ АСЦИТ ПЕРИТОНИТ ДАВО УСУЛИНИ**  
**МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Комилов Жаҳонгир Давлатович**

Жигар циррози этиологияли спонтан бактериал асцит перитонит даво усулини мақбуллаштириш.....3

**Комилов Жаҳонгир Давлатович**

Оптимизация лечения спонтанного бактериального асцит перитонита цирроза печени этиологии .....23

**Komilov Jakhongir Davlatovich**

Optimization of treatment of spontaneous bacterial peritonitis of liver cirrhosis etiology.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....48

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КОМИЛОВ ЖАҲОНГИР ДАВЛАТОВИЧ**

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ ЭТИОЛОГИЯЛИ СПОНТАН**  
**БАКТЕРИАЛ АСЦИТ ПЕРИТОНИТ ДАВО УСУЛИНИ**  
**МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2026**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2023.2.PhD/Tib3628 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтитида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

Илмий раҳбар:	Уроков Шухрат Тўхтаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори, профессор Акбаров Миршавкат Миролимович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси 2026 йил «26» Март соат 14<sup>00</sup> да Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 Илмий кенгашнинг 2026 йил "26" Март куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_107\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2026 йил "16" Март куни таркатилди.  
(2026 йил "16" Март даги 13 рақамли реестр баённомаси).



**М.М.Абдурахманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жигарнинг сурункали касалликларидан «...Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, йилига 2,4 миллион киши вафот этиб, ўз навбатида жигар циррозидан ўлим сони 1,32 миллионни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Жигар циррози дунёдаги ўлим ҳолатларининг энг кенг тарқалган сабаби ҳисобланади. Алкогол билан боғлиқ касалликлар глобал ўлимнинг катта қисмини (айниқса, жигарнинг сурункали касалликлари умумий ўлим сонининг 60% дан ортиғини) ташкил қилади. Жигар касалликлари, айнқса цирроз, аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшида (30-70 ёш) эрта ўлимнинг асосий 20 та сабабидан бири бўлиб қолади. Африка ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида касалликнинг оғирлиги ва ўлим ҳолатларининг энг юқори даражада ўсиши кузатилмоқда.

Жаҳон миқёсида, жигар циррози этиологияли спонтан бактериал асцит перитонит даво усулларини ўрганишга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жарроҳлик гепатологиясининг долзарб муаммоларидан ҳисобланган жигар циррози асоратларидан бири бўлган қизилўнгач веналари варикоз кенгайиши натижасидаги қон кетишидан кейин, спонтан бактериал перитонит беморлар ўлимининг асосини ташкил этмоқда. Ушбу асоратлар орасида асцит энг кенг тарқалган бўлиб, у ўз навбатида хавфли, аммо кенг тарқалган иккиламчи асорат -спонтан бактериал перитонит ривожланиши учун асосий шароитни яратади. Ушбу касаллик тўғрисидаги таҳлилларнинг охириги натижалари шуни кўрсатадики, жигар циррози кўплаб касалликларнинг ривожланишига олиб келувчи энг катта сабаблардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда касалликнинг клиник шакллари эрта комплекс ташхислаш мезонларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш, янги ёндашувларни асослаш ва жигар циррози билан касалланган беморларда спонтан бактериал перитонит асоратини даволаш самарадорлиги ва реабилитациясининг асосий йўналишларини мониторинг қилиш параметрларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда. Бундай вазифалар «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж ва диспансернинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш функцияси...»<sup>2</sup> қарорда қайд этилган. Жигар циррози билан касалланган беморларда спонтан бактериал перитонитни замонавий комплекс даво натижалари асосида даволаш режасини ишлаб чиқиш, бу борадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга

<sup>1</sup> <https://www.who.int/data/gho/data/indicators/indicator-details/GHO/ncd-deaths-by-cause>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ва 2022 йил 25 апрельдаги ПҚ-215-сонли «Бирламчи тиббий санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хирургик гепатологиянинг долзарб муаммоларидан бири жигар циррози (ЖЦ) нинг асоратларидан бири бўлган қизилўнгач веналари варикоз кенгайиши натижасидаги қон кетиши ва асцит бўлиб, ушбу иккала асорат 81% ни ташкил қилади. Анамнездан 10 йил ЖЦ билан яшаётган беморларнинг 50%дан ортиғида асцит кузатилиб бир йиллик яшаш муддати 50-82 % ни, 5 йиллик яшаш муддати эса 50% ни ташкил қилади. Асцит билан асоратланган беморларнинг 10-12% дан кўпроғида спонтан перитонит (СБП) кузатилади. СБП нинг охири вақтларда кўпаяётганлигининг асосий сабаби ушбу тоифа беморларда протон помпа ингибиторларини ва антибиотикларни мақсадсиз ёки катта дозада қўллаш деб кўрсатилмоқда (Thiele G.V. et al.,2024).

СБП бирламчи перитонитнинг бир клиник кўриниши, ЖЦ нинг полиэтиологик оғир асоратларидан биридир. Ушбу асорат касалхонага ЖЦ нинг декомпенсация даражаси билан тушган беморларнинг 10-37%да бироз камроқ амбулатория шароитида кузатилади. СБП кўпинча катта ёшдаги кишиларда кузатилиб, охири вақтларда эса асоратнинг ёшлар орасида ҳам учраётганлиги кузатилмоқда (Nguyen L.C. et al.,2022).

Бактериал перитонитнинг спонтан тури фақатгина ЖЦ нинг асцит билан кечишида учрайди. Касалликнинг келиб чиқишида 80% ҳолатларда икки хил микроорганизмлар, яъни ичак таёқчалари ва клебсиела муҳим ўрин тутди. Охири вақтларда гепатология амалиётида СБП келиб чиқишида грам мусбат энтерококклар ва метилпенициллинга чидамли стафилококкларнинг учраётганлиги тўғрисида малумотлар кўпаймоқда (Сергеева В.А. ва ҳаммуал.,2024).

СБП нинг келиб чиқишида асосий механизм (патогенез) бактериал транслокация ҳисобланади. Шартли патоген микроорганизмлар ёки бактерияларнинг махсулотлари дастлаб ичак тутқичи лимфа тизимига кейин эса асцит суюқлигига ўтади. ЖЦ оқибатида ичаклар перистальтикасининг сусайиши, ўт кислоталарининг камайиши ва гипохлоргидрия ҳисобида микроорганизмларни нафақат транслокацияси уларнинг тез кўпайишига шароит туғилади (Штонда М.В. ва ҳаммуал.,2024).

ЖЦ билан касалланган беморларда бактерияли инфекциянинг кўшилиши жигар етишмовчилигининг декомпенсациясига олиб келади ва

ЖЦнинг декомпенсация босқичида ўлимга сабаб бўлади. ЖЦ да бактерияли инфекциянинг кўшилиши асоратларнинг 4-5 баробарга кўпайишига сабаб бўлади. ЖЦ билан келган беморларнинг учдан бир қисмини касалхонага ётқизиши сабаби 30-50% ҳолатларда ўлимга олиб келувчи бактериал асоратлардир (Санокүлова С.А. ва ҳаммуал.,2023).

Юқорида келтирилган муаллифларнинг хулосалари ва далилларини инобатга олган ҳолда, ҳозирги кун вазиятидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, жигар циррози этиологияли СБП муаммоси очик ва мунозарали бўлиб қолмоқда. ЖЦ билан касалланган беморларда СБП ривожланиши натижасида ўлим сабаби юқорилигича қолаётганлиги ушбу патологик жараённи ўз вақтида ташхислаб аниқ даво тактикасини кўриб чиқишни тақозо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (02.2026.PhD.267) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Жигар циррози фонида ривожланган спонтан бактериал перитонитни ташхислаш ва даво натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

жигар циррози билан касалланган беморларда спонтан бактериал перитонит сабаблари ва уларнинг учраш даражасини ўрганиш;

жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонитни анъанавий усулда даволаш натижаларини таҳлил қилиш;

жигар циррози билан касалланган беморларда спонтан бактериал перитонит асоратини замонавий комплекс ташхисот ва даволаш усули натижаларини аниқлаш;

жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонитда қўлланилган комплекс даво натижалари таҳлиliga асосланиб даволаш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида РШТЎИМ Бухоро филиалида 2016 – 2024 йиллар давомида даволанган 126 нафар жигар циррози билан касалланган спонтан бактериал перитонит асорати кузатилган беморларнинг даволаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида жигар циррози билан касалланган спонтан бактериал перитонит билан касалланган беморларда ўтказилган ултратовуш текшируви, ангиография, дуплекс сканерлаш ва МСКТ ангиография натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқотда ултратовуш текшируви, ангиография, дуплекс сканерлаш, МСКТ ангиографияси, микробиологик ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор спонтан бактериал перитонит этиологиясида *Enterococcus faecalis* каби граммусбат микроорганизмларнинг ҳам мавжудлиги сабабли спонтан бактериал перитонит даволаш стратегияларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги аниқланган;

илк бор спонтан бактериал перитонит даволашда меропенем, альбумин ва улинастатин комбинациясининг юқори самарадорликка эгаллиги ва бу комбинация ўлим кўрсаткичини 2,4 мартага камайтиришга ёрдам бериши исботланган;

илк бор парацентез амалиётини бажаришда асоратларни олдини олиш мақсадида УТТ остида бажариш стандарт усул сифатида жорий этиш, касалхонага ётқизилгандан кейинги парацентез биринчи суткада бажариш, спонтан бактериал перитонит ташҳисини эрта қўйиш ва яллиғланиш маркерлари сифатида С-реактив оқсил (СРО), асцит суюқлигида умумий оқсил, лейкоцитар эстеразани аниқлаш усуллари спонтан бактериал перитонит ташҳислаш жараёнидаги аҳамияти аниқланган;

илк бор «оқимли цитометрия» усули орқали лаборатор текширувларни тез ва аниқ бажариш, даволашнинг 3-4 суткаларида қайта текшириш ва динамик парацентез ўтказиш даволаш самарадорлигини баҳолаш ва спонтан бактериал перитонитни эрта аниқлаш имконияти аниқланиб, жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонитда қўлланилган комплекс даво натижалари таҳлилига асосланиб даволаш алгоритми яратилиб унинг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жигар циррози ва асцити бор беморларда спонтан бактериал перитонитнинг клиник симптомлари яққол намоён бўлмаса ҳам, касалхонага ётқизилган биринчи кунда УТТ назорати остида парацентез амалиётини бажариш зарурлиги аниқланган. Ташҳис самарадорлигини ошириш мақсадида асцит суюқлигидаги умумий оқсил ва лейкоцитар эстеразани аниқлаш, ҳамда қонда С-реактив оқсил миқдорини ўлчаш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ташҳис аниқлиги ва тезлигини (1–2 дақиқа ичида) ошириш учун оқимли цитометрия усулини жорий этиш тавсия этилган;

СБП ни даволашда антибиотикларга чидамли штаммлар сони ортиб бораётганини ҳисобга олиб, зудлик билан эмпирик антибактериал терапияни Меропенем билан бошлаш мақсадга мувофиқлиги тасдиқланди. Даволаш самарадорлигини кечиктирмасдан баҳолаш учун динамик парацентез (даволашнинг 3–4-кунларида қайта бажариш) усулини қўллаш зарур. Энг самарали даволаш комбинацияси сифатида Меропенем, альбумин ва улинастатин учлиги қўлланганда ўлим кўрсаткичининг 21% дан 8,7% гача камайиши (2,4 баробар камайиш) кузатилган;

ташҳисни эрта қўйиш ва самарали комплекс даволаш (Меропенем, альбумин, улинастатин) стратегиясини қўллаш орқали беморларнинг стационар даволаниш муддатини ўртача  $14 \pm 1,8$  кундан  $6,5 \pm 1,8$  кунгача қисқартиришга эришилган. Қонда С-реактив оқсил (СРО), асцит

суяқлигидаги умумий оқсил ва лейкоцит эстеразасини аниқлаш диагностика самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник, лаборатор ва инструментал тадқиқот усулларидан фойдаланиш билан тасдиқланган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларни асосланган тиббиёт тамойилларига, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жигар циррози билан оғриган беморларда СБП нинг патогенези, клиник кечиши ва унинг асосий хавф омиллари - бактериал транслокация ҳамда жигар/иммун дисфункцияси ўртасидаги боғлиқликни чуқур таҳлил қилиш, СБПни эрта ва аниқ ташхислаш учун оқимли цитометрия каби юқори технологияли диагностик мезонларни таклиф этиш, Меропенем, албумин ва улинастатинни ўз ичига олган комплекс терапия алгоритмини киритиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ўлим кўрсаткичларини пасайтириш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, жигар циррози ва асцит билан оғриган беморларда СБПга шубҳа туғилганда, клиник ҳолатдан қатъий назар, УТТ остида парацентезни касалхонага ётқизилган биринчи кункадаёқ амалга оширишнинг самарали диагностика техникасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, Меропенем, албумин ва улинастатин комбинациясига асосланган оптимал даволаш алгоритмини клиник амалиётга киритиш, асоратларни минималлаштириш (ўлимни 2,4 баробар камайтириш), даволаниш муддатини қисқартириш (14 кундан 6,5 кунгача) орқали клиник самарадорликни ошириш, динамик парацентез (3-4-кун) орқали даволаш самарадорлигини баҳолаш механизмининг жорий этиш орқали беморларнинг даволаш натижаларини яхшилаш учун кенг қўллаш имкониятини яратиш билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 2-декабрдаги 30/19 – сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* биринчи марта жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит даво натижаларини таққослаш йўли орқали ўрганилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* олинган натижалар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, жигар циррози билан касалланган беморларда спонтан бактериал перитонитни даволаш хусусиятларини қиёсий ўрганишга катта ҳисса қўшади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалиёт маълумотлари РШТЎИМ Сирдарё филиалига (2025 йил, № 108/1 буйруғи) ва РШТЎИМ Хоразм филиалига (2025 йил, 151-“Г” буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ушбу янги даволаш улулини қўллаш, асоратларнинг сонини камайтириш, даволаш сифатини яхшиланиш ва беморларда ўлим хавфини камайтиришга ёрдам берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* касалхонада

ётишнинг ўртача давомийлигини 6 кунга камайтириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 300 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 1 150 000 сўмга камайтирилган. *Хулоса:* жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит даво натижаларини таққослаш йўли орқали ўрганиш касалликнинг асоратларни ва ўлимни кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтиришга, даволаш натижаларини яхшилашга эришилган.

*иккинчи илмий янгилик:* жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит асоратининг учраш даражаси, унинг кечишини ўзига хослиги, келтириб чиқарувчи хавф омилларининг ўрни ва ахамияти ўрганилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жигар циррози фонида ингичка ичакда бактерияларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши сабабли кузатиладиган бактериал транслокация СБП ривожланиши сабабли организмда тизимли яллиғланишнинг ривожланиши полиорган етишмовчиликга олиб келади, Чайлд-Пью бўйича В ва С синфларида ўлим кўрсаткичи 24% ни ташкил этиши ушбу тоифа беморларда юқори хавф гуруҳига таалуқли эканлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлари РШТЁИМ Сирдарё филиалига (2025 йил, № 108/1 буйруғи) ва РШТЁИМ Хоразм филиалига (2025 йил, 151-“Г” буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* жигар циррози билан касалланган, Чайлд-Пью бўйича В ва С синфларга мансуб беморлардаги хавф омилларининг юқорилиги ушбу беморларда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга имкон яратган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* беморнинг касалхонада даволаниш даври ўртача 3 кун қисқарилиши билан 1 150 000 сўмга харажатлар камайган, дори дармонлар харажати эса 575 000 сўмга камайган. *Хулоса:* жигар циррози билан касалланган, Чайлд-Пью бўйича В ва С синфларга мансуб беморлардаги хавф омилларининг юқорилиги ушбу беморларда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга ижобий таъсир кўрсатган.

*учинчи илмий янгилик:* жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит асоратининг комплекс даволашда дифференциал ёндашувлар, яъни фаол консерватив усулга Улинастатин препаратининг таъсири ва пункцион усуллар самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жигар циррози сабабли келиб чикган спонтан бактериал перитонитни кенг қамровли даволашда Улинастатин дори моддасини қўлланилиши организмдаги тизимли яллиғланиш реакциясини камайтиришга, иммун тизимидаги ўзгаришларни барқарорлаштиришга, жигар хужайраларини тикланиш қобилиятини ошириш ва шу билар бир қаторда жигар етишмовчилигини бартараф этишга самарали натижасини кўрсатган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши:* олинган маълумотлар РШТЁИМ Сирдарё филиалига (2025 йил, № 108/1 буйруғи) ва РШТЁИМ Хоразм филиалига (2025 йил, 151-“Г” буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит асоратининг комплекс даволашда

дифференциал ёндашувлар, яъни фаол консерватив усулга Улинастатин препаратининг таъсири ва пункцион усуллар беморларда кузатилиши мумкин бўлган асоратлар ривожланиш хавфини камайтиришга ёрдам берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит билан касалланган беморларни даволашда Улинастатин воситасини қўллаш, даволаш харажатларини қисқартиришга ёрдам берган, бир нафар бемор ҳисобига 383 000 сўм бюджет маблағлари ва 192 000 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берди. *Хулоса:* Улинастатин препаратининг комплекс даолашга кўшимча равишда қўлланилиши ушбу тоифадаги беморларни клиник – лабаратор кўрсаткичларини яхшиланиши 2-3 кунга тезлашишига, стационар даволаниши 2-3 кунга қисқаришига, беморларнинг яшаб қолиш даражасини 91,1%га, Child-Pugh C функционал синфидаги беморларнинг яшаб қолиш 42,4% га ошишига эришиш мумкинлигини кўрсатган.

*тўртинчи илмий янгилик:* жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонитда қўлланилган комплекс даво натижалари таҳлиliga асосланиб даволаш алгоритмини яратилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Даволаш алгоритми асосида СБПга шубҳа қилган ҳолда қорин бўшлиғи пункцияси билан олинган АС да микроорганизмларнинг мавжудлиги ҳамда асцит суюқлигидаги нейтрофиллар сони  $1 \text{ мм}^3 250$  тадан кўп бўлиши СБП классик кўриниши мавжудлигидан далолат беради ва Улинастатин асосида комплекс даволашни дарҳол бошлашга кўрсатма бўлади. Асцит суюқлигидаги нейтрофиллар сони  $1 \text{ мм}^3 250$  тадан кам ҳолатда бўлиши СБП эҳтимоллиги жуда юқори эканлиги ва СБПнинг профилактикаси мақсадида ҳамда яқин ва узоқ муддатларда кўзатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш мақсадида дарҳол Улинастатин асосида комплекс даволашни бошлаш кераклигидан далолат беради. Бундан ташқари СБП эҳтимоллиги юқорилигини аниқлаш мақсадида энг сезгир усул бу АСдаги лейкоцитларнинг эстераза активлигини аниқлаш усули эканлиги исботланган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Сирдарё филиалига (2025 йил, № 108/1 буйруғи) ва РШТЁИМ Хоразм филиалига (2025 йил, 151-‘Г’ буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган даволаш усули асоратлар фоизини сезиларли даражада камайтиришга, даволаш сифатини яхшиланишига ва беморларнинг тикланиш муддатларини қисқартиришга ёрдам берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* беморнинг касалхонада ётиш вақтини ўртача 3 кун қисқариши билан, 1 нафар бемор ҳисобига 1 150 000 сўм бюджет маблағлари ва 383 000 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган. *Хулоса:* ишлаб чиқилган янги даволаш усули, жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит билан касалланган беморларни даволаш алгоритмидан фойдаланиб комплекс даволаш самарали усул эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияси ва съездида тақдим этилган ва эълон қилинган.

**Тадқиқот натижаларини нашр этиш.** Диссертация мавзуси бўйича диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун 15 та илмий нашр чоп этилган, шундан 6 илмий мақола, улардан 5 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда, 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, ҳаволалар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва мавзуси тавсифланган. Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва илмий ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонитнинг диагностикаси ва замонавий даволаш усуллари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида етакчи маҳаллий, рус ва хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибасини ақс эттирувчи адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, диссертация мавзусидаги адабий манбаларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишга бағишланган. Ушбу бобда перитонитнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси ва замонавий даволаш усуллари ҳақидаги замонавий қарашларга бағишланган турли муаллифларнинг тадқиқот натижалари материаллари ақс эттирилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот усуллари**нинг тавсифи» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг клиник хусусиятлари, тадқиқот материаллари, муаммонинг ечимини таъминлайдиган услубий ёндашувлар ва усуллар келтирилган.

Бухоро давлат тиббиёт институти «Оилавий тиббиётда хирургик касалликлар» кафедраси клиник базаси РШТЁИМ Бухоро филиали жарроҳлик бўлимида 2016-2024 йиллар давомида даволанган, жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит билан касалланган 126 нафар беморларни текшириш ва даволаш маълумотлари таҳлил қилинган.

Барча беморлар даволаш усулига кўра 2 гуруҳга бўлинган:

I-таққослаш гуруҳига (n=68) жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит билан касалланган беморларни традицион усулда даволаш натижаларини ретроспектив усулда таҳлил қилинган.

II-асосий гуруҳда (n=58) жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит асорати билан касалланган беморларни даволашда фаол консерватив усулга қўшимча равишда цефтриаксон ўрнига, меропенем, албумин, қўшимча равишда улинастатин препаратининг таъсири ўрганилган. Тадқиқот доирасида янги тактикаларнинг самарадорлиги, касалликнинг клиник динамикаси, динамик лаборатор текширишлар (“оқимли цитометрия” усули), замонавий лаборатор текшириш усуллари, аппаратларини ишлатиш натижалари ва даволаш муваффақиятлилиги ўрганилган. Шунингдек, такомиллаштирилган тактикани қўллаш натижасида: инфекция жараёни бартараф этишнинг самарадорлиги, буйрак ва бошқа ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятини сақлаб қолиш, сепсис ривожланишини камайтириш, госпитализация давомийлиги ва умумий ўлим даражаси камайиши таҳлил қилинган.

Асосий гуруҳ беморларида лаборатор текширишларда қон таҳлилида яллиғланиш даражасини аниқлаш мақсадида лейкоцитлардан ташқари С-реактив оксил (СРО), асцит суюқлик таркибида полиморфядроли лейкоцитлар (ПМЛ) ларга қўшимча сифатида умумий оксил контенцтрацияси текширилди. Ушбу текшириш усуллари замонавий лаборатор анжомларда бўлган “оқимли цитометрия” усулида олиб борилган.


Асосий гуруҳ беморларида касалликнинг клиник симптомларининг ривожланишига қарамасдан барча асцит бор беморларга 1 суткада парацентез амалиёти бажарилган, динамикадан даволаш эффективлигига баҳо бериш мақсадида 3-4 суткаларда динамик парацентез қилиш ва асцит суюқлигида ўзгаришлар аниқланган. Асосий гуруҳ беморларида барча парацентез амалиётлари УТТ остида олиб борилган.

Шуни такидлаб ўтиш керакки, ушбу асосий гуруҳга 2020 - 2024 йилларда даволанган беморлар жалб этилган. Бундан ташқари тадқиқотимизга жалб этилган беморлар гуруҳларини синхронлигини сақлаш мақсадида қуйида кўрсатилган қўшимча ҳолатлари бўлган беморлар жалб этилмади: жигар етишмовчилигининг оғир даражаси, асцит резистент тури, жигардан ташқари ПГ, 70 ёшдан катталар, қандли диабет кузатилган беморлар, онкологик ва жиддий оғир хасталиклари бор ҳолатлар киритилмаган.

Тадқиқотимизга жалб этилган беморларни комплекс текшириш клиник, биокимёвий, инструментал, радиологик ва бактериологик тадқиқотларни ўз ичига олган. Таҳлил натижасида олинган маълумотлар асосида ташҳис қўйилди, касалликнинг кечиши кузатилди ва даволаш натижалари баҳоланган.

Тадқиқотимизга жалб этилган барча беморларда ўтказилган ультратовуш текшируви нафақат қорин бўшлиғидаги асцит суюқлигини миқдорини ҳамда ҳолатини, хиралик ва фибрин толалар борлигини аниқлаш мақсадида, балки жигарнинг ҳажми ва ҳолатини, паренхимасининг ҳолатини, портал тизимининг жигар ичи томирларининг диаметрини ва уларнинг ҳолатини, жигар дарвозасининг жойлашишини, ўт пуфагининг ҳолати ва пастки ковак венанинг ҳолатини аниқлашда катта аҳамият касб этган.

**Парацентез техникаси.** Назорат гуруҳидаги асцит суюқлик таркибидаги полиморфоядроли лейкоцитлар (ПМЛ) микроскоп санаш мақсадида Горяев камерасида ёруғлик микроскопи остида аниқланган, асосий гуруҳда унинг ўрнига замонавий лаборатор усул “Оқимли цитометрия” усулидан фойдаланилган. Шу сабабли асосий гуруҳ беморларида ушбу текширишлар, “Оқимли цитометрия” усулида бажарилган бўлиб, улар лазер нурлари таъсирида суюқлик оқимидаги турли хил шаклланишли хужайраларининг биофизик хусусиятларини баҳолаш учун ишлатиладиган замонавий инновацион қурилмалардир. Қурилмадан ҳам амалий, ҳам илмий мақсадларда фойдаланиш мумкин.



**1-расм. “Оқимли цитометрия” Sysmex XN-550 аппарати ва лазер нурлари таъсирида суюқлик оқимидаги хужайраларининг биофизик хусусиятларини баҳолаш учун ишлатиладиган замонавий инновацион қурилма ишлаш модели принципи**

Асцит суюқлигидаги полиморфоядро лейкоцитларни (ПМЛ) Sysmex XN-550 ёрдамида аниқлаш методикаси. Мақсад: Асцит суюқлигидаги полиморфоядроли лейкоцитлар (ПМЛ) миқдорини автоматик равишда аниқлаш ва спонтан бактериал перитонит (СБП) ҳамда бошқа яллиғланиш жараёнларини ташхис қилиш. Азмоиш **Body Fluid Mode** (биологик суюқликлар режими) да ўтказилган.

Бактериологик тадқиқотлар РШТЎИМ Бухоро филиали хузуридаги Бактериологик лаборатория марказида амалга оширилган. Бактериологик таҳлиллар натижасида  $1 \text{ мм}^3$  асцит суюқлик таркибида микроорганизмлар миқдорига қараб асцит суюқлигини инфицирланиш даражаси аниқланган.

Бактериологик таҳлиллар асосида СБП ни қўзғатувчилари бўлиб биринчи ўринда *E. coli* микроорганизми 85% ҳолларда этиологик омил сифатида аниқланган. Кейинги ўринларда *Proteus*, *Klebsiella* микроорганизмлари эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит асорати кузатилган беморларни анъанавий даволаш**

**усуллари натижалари (таққослаш гуруҳи)»** деб номланган учинчи бобида Бухоро давлат тиббиёт иснтитути клиник базасида жойлашган РШТЁИМ Бухоро филиали жарроҳлик бўлимларида 2016-2024 йиллар давомида даволанган, жигар циррози этиологияли СБП билан касалланган ва анъанавий усулда комплекс даволанган 68 нафар беморлар касаллик тарихлари танлаб олинган ва ўрганиб чиқилган.

Барча ҳолатларда ПГ жигар ичи блоки, яъни ЖЦ характериға эға бўлди, унинг сабаблари таҳлил килинганда гепатит вируси (HBV + HDV) сабабли 32% ҳолатларда, HCV – 34% ҳолатларда жигар циррозини келтириб чиқарганлиги аниқланган бўлса, 8% ҳолатда алкоғолли жигар циррози, криптоген этиологияли ЖЦ – 16% ва аутоиммун жигар циррози 4% ҳолатларда ҳамда дорилар сабабли кузатилган жигар циррози 6% ҳолатда аниқланган.

### 1- жадвал

#### Жигар циррози этиологиясига кўра таққослаш гуруҳ беморларининг тақсимланиши (n=68)

Этиологияси	Таққослаш гуруҳи		P
	abs	M±m,%	
Вирусли гепатит В + Д	22	32,3±3,69	$\chi^2 = 88,172;$ $p = 0,000$
Вирусли гепатит С	23	33,8±3,33	
Алкоғолли жигар циррози	6	8,8±3,33	
Аутоиммун гепатит	3	4,4±3,33	
Криптоген этиологияли ЖЦ	10	14,7±3,33	
Дорилар сабабли жигар циррози	4	5,8±1,71	
<b>Жами</b>	<b>68</b>	<b>100±0,0</b>	

Қорин бўшлиғида асцит суғоқлигининг миқдори асцитға қарши курашиш бўйича халқаро клуб мезонлари (International Club of Ascites - ICA) асосида белгиланган.

Ушбу таққослаш гуруҳидаги беморларда Child-Pugh бўйича жигарнинг функционал ҳолати В синфига (7-9 балл) 26 (38,2%) беморлар ташкил этган бўлса, С синфига (10-15 балл) 42 (61,8%) беморлар ташкил этган ( $\chi^2 = 13,517;$   $p = 0,000$ ). Шуни тақидлаш керакки А синфига (5-6 балл) мансуб беморларда СБП кузатилмаганлиги ҳамда тадқиқот вазифаларига кўзда тутилмаганлиги сабабли илмий ишимизға жалб этилмаган. Шундай қилиб, беморларда субкомпенсация ва декомпенсация босқичидаги дастлабки жигар етишмовчилиги аниқланган (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Беморларнинг Чайлд-Пью классификациясига кўра тақсимланиши

Чайлд-Пью классификацияси	Таққослаш гуруҳи		
	abs	M±m,%	P
В синф	26	38,2±5,75	$\chi^2 = 13,517;$ $p = 0,000$
С синф	42	61,8±5,75	
<b>Жами</b>	<b>68</b>	<b>100±0</b>	

Барча беморлар қабул қилинган кунда ташхисни аниқлаштириш мақсадида касаллик анамнези, объектив ва субъектив маълумотлар, шунингдек лаборатория ҳамда ультратовуш текширув натижаларидан фойдаланилган.

ЖЦ этиологияли СБП билан касалланган беморларнинг асосий характерли белгилари кескин ортиб бораётган субфебрил тана харорати 58 (85,2%) нафар беморда, қориндаги оғриқ 42 (61,7%), ҳаракатларда қоринда оғриқнинг кучайиши 42 (61,7%), енгиллик кузатилмайдиган кўнгил айнаиши ва қусиш 34 (50%) нафар беморларда кузатилган.

Барча қабул қилинган беморларни клиник – лабаратор таҳлил натижалари кўриб чиқилди ва қуйидагича кўрсаткичларда намоён бўлди (3.6 - жадвал). Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики ЖЦ билан касалланган такқослаш гурухи беморлар қон таҳлилида гемоглобин миқдори  $85,72 \pm 0,47$  г/л дан пастлиги, эритроцитлар миқдори  $3,77 \times 10^{12}$ /л дан, тромбоцитлар  $78 \times 10^9$ /л дан камлиги, талокнинг узунлиги эса ўртача 16,1 см катталиги сабабли гиперспленизм белгиларини кўриш мумкин (3 - жадвал) .

3- жадвал

**Таққослаш гурухи беморларининг клиник лабаратор кўрсаткичлари**

	Таққослаш гурухи (n=68)	p
Кон альбумини, г/л	$35,0 \pm 1,1$	0,505
Протромбин индекси, %	$56,5 \pm 0,98$	0,146
Умумий билирубин, мкмоль/л	$36,8 \pm 1,72$	0,954
АЛТ, АСТ, ммоль/л	$65,4 \pm 1,11$	0,505
Мочевина, ммоль/л	$9,8 \pm 0,36$	0,160
Креатинин, мкмоль/л	$188,5 \pm 4,23$	0,468
Фибриноген, г/л	$2,25 \pm 0,2$	0,699
Эритроцит, $10^{12}$ хужайра/л	$3,77 \pm 0,31$	0,360
Гемоглобин	$85,72 \pm 0,47$	0,78
Лейкоцит, $10^9$ хужайра/л	$3,61 \pm 0,22$	0,458
Тромбоцит, $10^9$ хужайра/л	$78 \pm 1,52$	0,160
Эритроцитлар чўкиш тезлиги, мм/с	$20,5 \pm 0,78$	0,603
Талок узунлиги, см	$16,1 \pm 1,3$	0,116

Эслатма: (-  $P < 0,05$ )

Шуни тақидлаш жоизки, гурухларни синхронлигини сақлаш мақсадида ЖЦ да кузатилиши мумкин бўлган турли этиологияли асцит перитонитлар билан касалланган беморлар тадқиқотимизга жалб этилмаган.

Назорат гуруҳидаги беморлар стандарт консерватив даволаш схемаси бўйича терапия олиб борилган бўлиб, уларда антибактериал терапия, инфузион даволаш, асцитга қарши чоралар ва симптоматик ёрдам, парацентез амалиётлари қўлланилган. Бироқ, жигар циррози билан боғлиқ иммунологик ва гемодинамик ўзгаришлар сабабли, баъзи беморларда даволашга жавоб пасайган ва ўлимга олиб келувчи турли асоратлар

кузатилган. Таҳлилда бажарилган терапия ва даволаш тактикаси, унинг самарадорлиги баҳоланган.

Ретроспектив натижалар шуни кўрсатдики, 68 беморларнинг 20(29,5%) тасида парацентез касалхонага ётқизилгандан кейинги 3 суткада, 43(63%) 4 кунда ва ва 5(7,5%) бемор 5 суткадан парацентез амалиёти бажарилган.

Парацентез амалиётининг бажарилиши беморлардаги клиник симптоматика (қориндаги оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши, ичак парезлари ривожланиши ва беморларнинг карахтланиши) ривожланиши даражасига боғлиқлиги кўзга ташланган. Шу сабабли СПБнинг яққол клиник намоёнланмаслиги натижасида парацентез амалиётлари кейинги суткаларда, яъни перитонит симптомлари ривожлангандан кейин бажарилган.

Парацентез натижасида олинган асцит суюқлик лаборатор таҳлилларига асосан (қондаги нейтрофиллар сони  $1 \text{ мм}^3$  250 тадан кўп) ташҳис тасдиқланган.

Назорат гуруҳидаги беморларда даволаш эффективлигини баҳолаш мақсадида динамикада парацентез ва асцит суюқлик таҳлилилари ўтказилмаганлиги аниқланган.

Назорат гуруҳидаги беморларда СПБ нинг иккиламчи бактериал перитонитдан дифференциал диагностика қилиш мақсадида 5(8,6%) бемор диагностик лапараскопия амалиёти бажарилган.

Ушбу ўлим кўрсаткичини юқорилигининг асосий сабаби ноадекват антибактериал терапия фонида прогрессивлашган тизимли яллиғланиш реакцияси, буйрак функциясининг издан чиқиши ётади. Беморларнинг стационар даволаниш давомийлиги шртача  $14 \pm 1,8$  кунни ташкил қилган.

Тадқиқот натижалари шундай хулосага олиб келдики, янги даволаш ва ташҳис қўйиш усуллари назорат гуруҳида кузатилган камчиликларни камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, асосий гуруҳ беморларининг прогнозини яхшилашга ва асоратларнинг олдини олишга хизмат қилган.

**Диссертациянинг «Асосий гуруҳ беморларида жигар циррози фонида ривожланган спонтан бактериал перитонитни таклиф қилинган ташхислаш ва даволаш тактикаси натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида РШТЎИМ Бухоро филиали жарроҳлик бўлимларида 2021 - 2024 йиллар давомида жигар циррози этиологияли СБП билан касалланган 58 нафар беморларни комплекс даволаш маълумотлари таҳлил натижалари баён этилган.

Тадқиқотимизнинг II – асосий гуруҳида (n=58) жигар циррози этиологияли спонтан бактериал перитонит асорати билан касалланган беморларни даволашда фаол консерватив усулга қўшимча равишда меропенем, албумин ва улинастатин препаратининг таъсири ва динамик парацентез усуллари биргаликда комплекс равишда қўлланилган.

Ташхислашда аксарият беморлар 52(90%) беморлар қабул қилинган кунида парацентез амалиёти ва 6(10%) беморда (дам олиш кунлари) 2 куни парацентез амалиёти бажарилган ва бактериологик текширишларнинг

жавоби кутилмасдан кенг таъсирли меропенем антибактериал препарати ишлатилган. Антибактериал терапиянинг эффективлиги динамикасини баҳолаш мақсадида асосий гуруҳдаги беморларда 4 кунларда динамикада парацентез қилиниб асцит суюқликдаги полиморфоядроли лейкоцитлар (ПМЛ) ва умумий оқсил динамикаси текширилган. Барча парацентез ва динамик парацентез амалиётлари назорат гуруҳидаги беморлардан фарқли равишда УТТ остида амалга оширилган.

Лаборатор текширишларда қон таҳлилида яллиғланиш даражасини аниқлаш мақсадида С-реактив оқсил (СРО), асцит суюқлик таркибида ПМЛ ларга қўшимча сифатида умумий оқсил ва лейкоцитар эстераза контентацияси текширилган. Ушбу текшириш усуллари замонавий лаборатор анжомларда бўлган оқимли цитометрия усулида олиб борилган.

Асцит суюқлигидаги Sysmex XN-550 техникаси ёрдамида ПМЛ миқдорини автоматик равишда аниқлаш ва СБП ҳамда бошқа яллиғланиш жараёнларини ташхис қилиш. Анализ **Body Fluid Mode** (биологик суюқликлар режими) да ўтказилган.

Оқимли цитометрия лазер нурлари таъсирида суюқлик оқимидаги турли хил шаклланишли хужайраларининг биофизик хусусиятларини баҳолаш учун ишлатиладиган замонавий инновацион қурилмалардир. Қурилмадан ҳам амалий, ҳам илмий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Асосий гуруҳдаги беморларда СБП да асцит суюқлигининг бактериологик ва лаборатор натижалари 4 – жадвалда келтирилган. Бунда фақат ПМЛ микроорганизмларсиз (культуронегатив) 41(71%)ни ташкил қилган. Бактериологик текширишлар натижалари таҳлил қилинганда граммманфий микроорганизмларда *E. coli* 5(8,5%) ва *Klibsiella* 7(12%) ҳолатда учрган. Назорат гуруҳидага натижалардан фарқли равишда асосий гуруҳ беморларнинг асцит суюқлиги таркибида граммусбат микроорганизмлар хусусан *Enterococcus faecalis* 5(8,5%) ҳолларда экилди. Шу сабабли антибактериал терапия тактикасига ўзгартиришлар киритилган.

#### 4 - жадвал

#### Жигар циррози билан касалланган беморларни СБПнинг этиологик омиллари бўйича тақсимланиши

Этиологик омил	Беморлар сони	%
Фақат ПМЛ ошиши культуронегатив	41	71%
ПМЛ+ <i>E. coli</i> (грамм-)	5	8,5%
ПМЛ+ <i>Klibsiella</i> (грамм-)	7	12%
ПМЛ+ <i>Enterococcus faecalis</i> (грамм +)	5	8,5%
<b>Жами</b>	<b>58</b>	<b>100%</b>

Тадқиқот натижалари таҳлили асосида СБП ни асосий этиологик омилли ҳисобланган *E. coli* микроорганизми асосан Цефалоспорин гуруҳи

антибиотиклари юқори сезувчанликни намоён этган, *Enterococcus faecalis* 5(8,5%) фақат меропенемга сезувчанлиги кузатилган. Шу сабабли асосий гуруҳ беморларига эмперик антибактериал терапия мақсадида меропенемдан кенг фойдаланилган.

Меропенем – бу кенг таъсир доирасига эга карбапенем бўлиб, кўплаб грамманфий ва граммуусбат(-) бактерияларга, жумладан, кўп резистентли штаммларга қарши самарали таъсир кўрсатадиган антибиотиклар туркумига киради.

Меропенем буйрак найчаларида дегидропептидаза-1 томонидан деярли парчаланмайди (циластатин – дегидропептидаза-1 нинг махсус ингибитори билан бирга қўллаш талаб этилмайди) ва, шунинг учун, нефротоксик таъсирга эга эмас.

